

Yozgi taʼtil bolalar uchun maroqli vaqt. U maktab stresslaridan xalos boʻlish va zavqlanish imkoniyatini beradi. Odatda bolalar taʼtilning birinchi oyini dam olish bilan oʻtkazadi.

Ota-onalar ham “Oʻqish tugadi-ku, mayli dam olishsin”, deb bolalarni erkinroq qoʻyishadi. Biroq baʼzida bolalar taʼtilning yarmiga kelmay zerika boshlashadi, nima ish qilishni ham bilishmaydi. Bunday sharoitda, ayniqsa, bugungi bolalar gadjet, telefonga ruju qoʻyishadi. Oʻz ustida ishlamaslik, vaqtni behuda oʻtkazish esa uzoq muddatli taʼtildan samarali foydalanishni deyarli chippakka chiqaradi. Asosiy vaqtni internet tarmoqlarida oʻtkazish pirovard natijada bolalarning ruhiyatiga salbiy taʼsir qiladi. Achinarli tomoni, aksariyat otalonalarda farzandlari yozgi taʼtilni maroqli va foydali tarzda oʻtkazishlari haqida oʻylamasligi va bu borada oldindan aniq bir reja yoki tartib tuzish ishlariga oʻta beparvo boʻlishlaridir. Vaholanki, bolalarning yozgi taʼtildan unumli foydalanishlari va maroqli oʻtkazishlari uchun aynan ota-onalar masʼuldirlar.

Aslida yozgi taʼtil – bu oʻquvchilarning yangi oʻquv yili oldidan miriqib dam olishlari,

26 ИЮН – ХАЛҚАРО ГИЁХВАНДЛИКГА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

ГИЁХВАНДЛИК ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Гиёхвандлик бугунги кунга келиб ҳам инсоният учун энг катта муаммолардан бири бўлиб турибди.

Ушбу иллат кириб бормаган давлат қолмаган ва у ҳар қандай замонда ҳам дунё халқлари учун кенг тарқалган глобал офат бўлиб қолаверади. Унинг олдини олиш, унга қарши халқаро доирада кенг кураш олиб борилганига қарамай бугун дунёда гиёхванд моддалар истеъмол қилувчилар сони ортиб бормоқда. Гиёхванд моддаларни етиштириш, ўтказиш ва сотиш ординан мисли қўрилмаган даромад олиш мумкинлиги эса унинг тез тарқалиши, унга қарши кураш катта куч, маблағ талаб қилишини тақозо этмоқда. Бирок ҳар қандай улкан хатарини эътиборга олган ҳолда бутун

charchoqlarini yozish, salomatliklarini tiklab olish va yangi oʻquv yili uchun tayyorgarlik koʻrishida belgilangan vaqtidir. Shuning uchun ham ushbu vaqtni samarali tashkil etish muhim ahamiyat kasb etadi va bu samaradorlikka bir necha yoʻnalishlar orqali erishiladi.

Birinchi muhim yoʻnalish – kitob oʻqish, yaʼni badiiy adabiyotlar mutolaasi orqali maʼnaviy dam olish jarayoni. Umuman olganda, taʼtilni har bir oʻquvchi badiiy mutolaa uchun qulay va eng katta imkoniyat deb qarashi lozim. Hozir koʻpchilik oilalarda yaxshigina shaxsiy kutubxonalar bor. Qolaversa, axborot-kutubxona markazlari ham butun taʼtil davomida bolalar mutolaasi uchun keng imkoniyatlar yaratib bera oladi. Shuningdek, ota-onalar tashabbusi bilan uyda oilaviy kutubxonalar tashkil etib, farzandlarini kitob bilan doʻstlashishlari uchun qulay sharoit yaratishlari mumkin. Maktablar, bolalar yozgi oromgohlari hamda mahallalarda bolalar oʻrtasida kitobxonlik tanlovlari oʻtkazib turish ham taʼtil davomida kitobxonlik madaniyatini yuksaltirishda yaxshi

manba boʻlishi mumkin.

Maktab dasturlarini oʻrganish davomida vaqt tigʻizligi bois koʻpchilikda xorijiy tillarni oʻrganishga vaqt yetmay qolishi mumkin. Uch oylik yozgi taʼtil esa bolalar uchun xorijiy

oʻquvchilar uch oylik taʼtildan samarali foydalangan holda bemaolol xorijiy tillarni oʻzlashtirish borasida oʻz imkoniyatlarini sinab koʻrishlari mumkin.

Albatta, yozgi taʼtil eng avvalo,



tillarni oʻrganishda juda qulay imkoniyat. Bugun nafaqat katta shaharlar, hatto tuman markazlari va qishloqlarda ham tillarni oʻqitishga ixtisoslashgan markazlar faoliyat koʻrsatishini eʼtiborga olsak,

yaxshi sayohatlar, ekskursiyalar, turistik ekspeditsiyalar va turli xil bolalarbop koʻngilochar sport oʻyinlari, musobaqalar bilan zavqli va esda qolarli oʻtishi shubhasiz. Shu bois ota-onalar uch oylik

Мадина Мадатова (исми-шарифлар ўзгартирилган) турмушидан ажрашгач бир нафар боласи билан ишсиз қийналиб юрган кунларининг бирида тасодиф гўё унга фариштанинг ўзи тўғри келгандек бўлди. Кумқўрғон туманидаги гўзаллик салонларидан бирида танишиб қолгани Майрам Тошқулова унинг дарду ҳасратини эшитгач, Россия Федерациясидан “яхшигина” иш таклиф қилади.

Хамсуҳбатининг аслида кимлигидан беҳабар Мадина ваъдаларга лаққа ишониб, “яхши пул топиш” орзусида унинг таклифларига кўнади. Бу гал тўрига осонгина “ўлжа” илинганидан кўнгли чоғ бўлган Майрам Тошқулова уни қўлдан бой бермаслик илинжида “керакли” одамлари билан боғланиб, “Самарқанд-Москва” йўналиши бўйича авиабилет ҳамда Мадина Мадатова учун хорижга чиқиш паспортини буюртма бериб, йўл тадоригига киришади.

Майрам Тошқулова бу гал ҳам навбатдаги хориж сафаридан яхшигина даромад билан қайтиш ниятида эди. Зотан муқаддам бу каби қабиҳ ишларни бир неча марта амалга

ошириб, жазосиз қолганлигини ўйларкан, килмишининг оқибатидан кўнгли тинч эди. Шунинг учун ҳам у ўз макрига ишонган ҳолда ҳар доимги одатига кўра қўлидаги кўза бу гал ҳам бутун бориб, бутун келишига амин эди. Фақат у бир нарсадан – ови бароридан келиб, тўрига тушган “олтин баликча” аллақачон тўрдан чиқиб кетганлиги, бинобарин, фуқаро Мадина Мадатова, унинг асл мақсоди нимадан иборат эканлиги ҳамда муқаддам қилган жиноятларидан хабар топгач, тегишли идораларга бу ҳақда хабар қилиб, ёрдам сўраганлигидан беҳабар эди.

Майрам Тошқуловани безовта қилмаслик, унга “сафар”га чиқиш учун имконият бериш эса, шунчаки, унинг ғараз ниятларини далилий ашёрлар асосида исботлаб, қўлга олишдан иборат эди. Уни жиноят устида қўлга олиш эса 2025 йилнинг 13 октябри тонгида “Дарбанд” ИПХ масканида Сурхондарё вилоят ИИБ ва ДХХ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда амалга оширилди.

Жорий йилнинг 11 февралida бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг

очик суд мажлиси муҳокама этган ушбу иш ҳужжатлари ҳамда жабрланувчи М.Мадатованинг берган кўрсатмаларига кўра М.Тошқулованинг М.Мадатовани айнан фоҳишалик учун Россия давлатига олиб чиқишга уриниш ҳолатлари ўз тасдиғини топди. Ҳукукни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг тезкор ҳаракатлари,

ҒАРАЗЛИ РЕЖА АМАЛГА ОШМАДИ

қолаверса, жабрдийда М.Мадатованинг ҳушёрлиги боис бир аёлнинг шаъни, қадр-қиммати, номуси топталишининг олди олинди. М.Тошқулова ўйлаганчалик жиноят, ғаразли ният томир отишга улгурмади. Жиноят изсиз, жиноятчи эса жазосиз қолмади. Суд томонидан унга берилган адолатли жазо эса келгусида М.Тошқулова учун ўз келажаги ва тақдирини тўғри йўлга қўйиш учун жиддий хулоса бўлади деб умид қиламиз.

Ш. ҲАЙИТОВ, Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори.



дунёда гиёхвандлик балосига қарши кураш ўзаро ҳамкорлик асосида кенг кўламда олиб борилмоқда.

Гиёхвандликка қарши курашиш қаторида аҳоли орасида унинг инсон саломатлиги ва жамият учун келтирадиган салбий оқибатлари ҳақида кенг тушунтириш ва тарғибот олиб бориш ҳам муҳим профилактик тадбирлар саналади. Рухий фаол моддалар – организмга қабул қилинганда бош мияга таъсир кўрсатиб, инсон руҳий ҳолатини ўзгартириши мумкин бўлган кимёвий моддалардир. Одатланишни келтириб чиқарувчи кучли таъсирга эга руҳий фаол моддалар гиёхванд моддалар деб ҳисобланиб, гиёхвандлик воситалари рўйхатига киририлган. Гиёхвандлик бир ёки бир неча хил гиёхванд моддалар – наша, қорадори, героин ва бошқаларга ўрганиб қолган, уларни истеъмол қилмасдан тура олмаслик ҳолатидир.

Гиёхванд моддалар, одатда энг аввало нерв системаси ва бутун организмга махсус таъсир қилиб, руҳиятнинг бузилишига олиб келади ва аста-секин дангасалик, ирода, ҳаёнинг йўқлиб боришига олиб келади. Катталар оиласига, ишига, ёшлар ота-онасига, дарсларга бутунлай бефарқ бўлиб қолишади.

Гиёхванд моддалар истеъмол қилинганда кузатиладиган умумий белгилар ҳам ўзига хосдир. Жумладан, бундай вазиятда инсоннинг ташқи кўриниши ва ўзини тутиши ширакайф ҳолатни эслатади, лекин алкоголь ҳиди келмайди. Кайфиятнинг ўзгарувчанлиги, сабабсиз хурсандчилик, кўп гапириш, жahlдорлик, табиий ҳолатга мос келмаслик намоён бўлади. Ҳаракат активлигининг ўзгариши,

инсонлардан мажруҳ, руҳий хаста болалар туғилиб, ВИЧ, ОИТС, захм каби оқибати аянчли бўлган касалликларга чалиниш даражаси ортади. Инсон жиноятга қўл уриб, охир-оқибатда тубанлашиб, жамиятдан чиқиб кетади.

Кўпчиликда ҳозир ҳам гиёхвандлик - бу касаллик ва унинг олдини олиш, бартараф этиш фақат мутахассис шифокорлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг вазифаси, деган нотўғри тушунча мавжуд. Аслида бутун дунёни ташвишга солган ва ҳар йили миллионлаб инсонларнинг умрига олинган бўлаётган, миллионлаб оилаларни огир аҳволга солаётган бу иллатга қарши кураш жамиятнинг, бутун инсониятнинг, ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини унутмаслик керак. Фақат ўзаро ҳамкорлик, бирдамлик билангина биз бу хатарни бартараф этишимиз мумкин. Айниқса, оилада, таълим масканларида ёшларни ушбу одатдан эҳтиёт қилиш, химоялашга оид тарбиявий, маърифий ишларни мунтазам ташкил этиш лозим. Зотан, мазкур иллатнинг халқаро даражадаги хавфи эътиборга олинган ҳолда ҳар йилда бир кунни Халқаро гиёхвандликка қарши кураш кuni деб белгилашнинг ўзиёқ, жойларда гиёхвандликка қарши профилактик тадбирларни ўтказиш, унга қарши курашиш учун ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кенг имкониятлар беради. Мухими, гиёхвандликка қарши ҳамжihatликда курашиш билан биз жамиятимизнинг энг оғриқли муаммоларидан бирини бартараф этишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Шухрат АБДУРАХМОНОВ, Бойсун туман КТМП нарколог шифокори.

Инсон ҳаёти давомида меҳнат қилиб мол-мулк орттиради, оила қўради, фарзанд тарбиялайди ва келажак авлод учун маълум моддий ҳамда маънавий мерос қолдиради. Ана шу мероснинг қонуний, адолатли ва низосиз тарзда авлоддан-авлодга ўтиши эса ворислик ҳуқуқи орқали таъминланади. Шу боис мерос масаласи нафақат ҳуқуқшунослар, балки ҳар бир фуқаро учун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ворислик ҳуқуқига бағишланган нормалари фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини химоя қилиш, оила аъзолари ўртасида адолатни таъминлаш ва мерос билан боғлиқ моҳароларнинг олдини олишга хизмат қилади. Амалиётда эса айнан мерос тақсимооти, васиятнома, улушларни белгилаш ёки меросдан четлатиш билан боғлиқ низолар энг кўп учрайдиган фуқаролик ишларидан бири ҳисобланади. Қонунчиликка кўра, ворислик икки асосда амалга оширилади: васият бўйича ва қонун бўйича. Агар шахс ҳаётлигида васиятнома тузган бўлса унинг мол-мулки асосан шу ҳужжатда кўрсатилган тартибда тақсимланади. Агар васиятнома мавжуд бўлмаса ёки барча мол-мулк тақдири унда белгиланмаган бўлса, мерос қонун асосида тақсимланади.

Амалиётда қўпчилик мерос тушунчасини фақат уй-жой ёки унинг пул маблағи билан боғлайди. Аслида эса мерос таркибига мерос қолдирувчига тегишли бўлган ва унинг вафотидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари кирилади. Масалан, квартира, ҳовли, автомобиль, ер участкалари, банк омонатлари, акциялар, қарз

вафот этган пайтдан бошланади. Агар шахс суд қарори билан вафот этган деб эълон қилинса, суд қарори кучга кирган кун мерос очилган вақт ҳисобланади. Бу ҳолида айниқса, табиий офатлар, фуқароларнинг бедарак йўқолиши ёки ҳалокат ҳолатларида муҳим аҳамият касб этади. Қонун яна бир муҳим масалани белгилайдики, агар бир-биридан кейин мерос олиш ҳуқуқига эга

ижтимоий қафолатдир.

Ворислик ҳуқуқидagi энг муҳим институтлардан бири – нолойиқ меросхўрларни меросдан четлатиш ҳисобланади. Қонунга кўра, мерос қолдирувчини қасддан ўлдирган ёки унинг ҳаётига суиқасд қилган шахслар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Шунингдек, мерос қолдирувчининг охириги иродасини амалга оширишга қасддан тўсқинлик қилган шахслар ҳам меросдан четлаштирилиши мумкин. Амалиётда яна бир муҳим масала - ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг мерос ҳуқуқидир. Қонун

бўлган шахслар бир календар сутка ичида вафот этган бўлса, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланади. Бу ҳолатда ҳар бири бўйича алоҳида мерос иши очилади. Мероснинг қаерда очилиши ҳам муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга. Одатда мерос иши марҳумнинг охириги яшаш жойида юритилади. Агар бу маълум бўлмаса, кўчмас мулк жойлашган ҳудуд мерос ҳаракатларини амалга оширишда аниқлик яратади. Қонунчиликка кўра, мерос очилган вақтда тирик бўлган фуқаролар меросхўр бўлиши мумкин. Шунингдек, мерос қолдирувчи вафот этган вақтда ҳомила ҳолатида бўлган ва кейин тирик туғилган бола ҳам мерос ҳуқуқига эга ҳисобланади. Бу болалар манфаатларини химоя қилишга қаратилган муҳим

болаларига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ва бу ҳуқуқи тикланмаган шахсларни фарзандидан мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Шунингдек, ўз фарзандини таъминлаш мажбуриятидан бўйин товлаган ота-она ёки вояга етган фарзанд ҳам қонун бўйича ворис бўла олмайд.

Ворислик ҳуқуқи – бу шунчаки мол-мулк тақсимооти эмас. У мулк дахлсизлиги ва ҳуқуқий барқарорлиқни таъминловчи муҳим ҳуқуқий институтдир. Ҳар бир фуқаро мерос масаласида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши, келажакда ақинлари ўртасида низо келиб чиқмаслиги учун ҳуқуқий маданиятга эътибор қаратиши лозим.

Шахбоз МУПТАЗАЕВ.

8- IYUNDAN 8 -IYULGA QADAR«DOLZARB O‘TTIZ KUNLIK»NI UYUSHQOQLIK BILAN O‘TKAZAYLIK

“Qovun pashshasi” ikki qanotlilar (Diptera) turkumi, chipor qanotlilar (Tephritidae [Trypetidae]) oilasiga mansub. Tuxumi oq, yaltiroq, uzunchoq shaklli, uzunligi 1 mm gacha. Lichinkasi oq, oyoqsiz, old qismiga qarab ingichkalashgan, yetilganlarining uzunligi 10 mm gacha, tanasining oxirgi segmentida 2 ta kichik o‘smalari mavjud.

G‘umbagi sarg‘ish-qo‘ng‘ir yoki qizg‘ish-qo‘ng‘ir, uzunligi 7-8 mm, usti qattiq bo‘lgan soxta pilla (pupariy) ichida rivojlanadi. Pupariy ichidagi g‘umbagi tuproqda 10-20 sm chuqurlikda, qishlaydi. Qishlagan g‘umbakdan pashshalar ertapishar qovun gullash va meva tuga boshlash davrida (mayning ikkinchi yarmida) uchib chiqadi. Pashsha shira bilan oziqlanganidan so‘ng o‘talanadi va qovun yoki boshqa poliz ekinlari yosh mevalarining qogib‘ini tuxum qo‘ygichi bilan teshib, uning tagiga bittadan, ammo ko‘pincha bitta mevaga 20 ta va undan ham ko‘proq tuxum qo‘yadi. Tuxum qo‘yish odatda mevalar diametri 3-5 sm bo‘lganda boshlanadi. Bitta urg‘ochi pashsha bir mavsumda 98-130 ta tuxum qo‘yadi. Tuxum 2-8 kun davomida embrional rivojlanishdan o‘tgach, ulardan lichinkalar chiqib, darhol meva ichiga o‘tadi, meva eti bilan oziqlanib, uruqqacha yetib boradi va urug‘ni ham yeydi. Ular 10-18 kun rivojlangandan so‘ng, meva po‘stini teshib tashqariga chiqadi va tuproqda 5-15 sm chuqurlikka

ketib, pupariy ichida g‘umbaklanadi. 10-18 kundan so‘ng g‘umbakdan 2-bo‘g‘in pashshasi chiqadi, urg‘ochi zotlari o‘talanadi va yana tuxum qo‘yadi. Bir bo‘g‘ining hayot davri 30 kuncha bo‘lib, bir mavsumda pashsha Afg‘onistonda 3-4, Qoraqalpog‘istonda 2-3 bo‘g‘in beradi. Qishlashga ketish paytida lichinkalar tuproqda 10-20 sm chuqurlikda g‘umbaklanadi.

Lichinkalar qovun ichida harakatlanganda qovun etida zang tusli dog‘lar paydo bo‘ladi. Lichinkalar tashqariga chiqishida po‘choqda paydo qilgan teshiklardan kirgan mikroorganizmlar ta‘sirida qovun 5-7 kun ichida butunlay chiriydi va o‘ta badbo‘y hid chiqaradi. Polizlarni o‘simlik qoldiqlaridan tozalash, kuz-qish davrida dalani tuzlanishga qarshi sug‘orib yuvish va chuqur kuzg‘i shudgor o‘tkazish orqali pashshaning qishlovdagi zahiralarni kamaytirish, pashsha kuzatilgan dalalarga 3-7 yil davomida poliz ekinlarini qayta ekmaslik, ertapishar va kechpishar navlar ekilgan dalalarni bir-biriga yaqin joylashtirmaslik tavsiya qilinadi. Qovun pashshasiga qarshi kimyoviy kurash choralarini ishlab chiqish hali tugallanmagan. Kimyoviy kurash o‘tkazishning samarali muddatlarini belgilash yaxshi natija beradi.

S.Maxmudov, R.Boltayev, O‘simliklar karantini va himoyasi inspektorlari.

Сўнги вақтларда мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини ҳамда иқтисодийёт тармоқлари ва соҳаларидаги тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар учун қўшимча иш ўринлари яратиш, уларнинг бандлигини таъ-

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

минлаш, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, ёш авлодни касб-хунар, хорижий тиллар, замонавий билимларга ўқитиш ҳамда уларнинг тадбиркорлик ташаббуслари, гоъяларини қўллаш мақсадида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 1 июндаги “Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш

орқали ёшлар бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-210-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорни қабул қилишнинг асосий мақсадлари 2026-2028 йиллар давомида 300 мингдан ортиқ ёшларни қамраб олиш, шу жумла-

дан, 100 мингга яқин қўшимча иш ўринларини яратиш ҳамда уларнинг меҳнат бозорига муваффақиятли киришини қўллаб-қувватловчи замонавий механизмларни жорий этиш, саноат, хизматлар кўрсатиш соҳаларидаги, хусусан, ўзини-ўзи банд қилишга қаратилган ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуси ва гоъяларини молиялаштириш тизимини ривожлантиришдан иборат. Шунингдек, иш хусусиятига кўра ходимларининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил

этадиган, уларнинг бандлигини, дарамадини оширишга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлашдир.

Қарорга кўра АТ “Алоқабанк” томонидан “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида 31 ёшга тўлмаганларга асосий қарздан 1 йилгача, фойз тўловларидан 3 ойгача имтиёзли давр билан 7 йилгача кредитлар марказий банк ставкасидан 4 фойзлик пункт юқори ставкада ажратилади. Суғурта полиси таъминоти ёки шахс қафиллиги асосида 100 миллион сўмгача имтиёзли микроқарзларни қуйидаги лойиҳалар бўйича ажратиш ҳам белгиланган. Унга кўра, ёшларнинг хорижий тил ва рақамли технологияларни ўрганиш ҳамда замонавий касб-хунарни эгаллаши бўйича ўқиш харажатлари, молиялаштириш учун 20 миллион сўмгача; замонавий касблар, шу жумладан, ижтимоий тармоқлар маркетинги, мобилография, фриланс-серлик, интернет (онлайн) дўконлар ташкил этиш ва ўзини-ўзи банд қилиш фаолият турига мос лойиҳа-

лар учун 50 миллион сўмгача; касаначилик, тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш, тикувчилик ва бошқа маҳсулотларни иккиламчи қайта ишлаш ва (ёки) сотиш, улардан янги маҳсулотлар тайёрлаш лойиҳалари учун 50 миллион сўмгача; новвойчилик ва ширинликлар тайёрлаш ҳамда сотиш лойиҳаларига 100 миллион сўмгача имтиёзли кредитлар ажратиш белгиланган.

Туманимизда ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 30 ёшдан ошмаган ёшлар ҳам Президентимизнинг ушбу қарорларидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини мустақамлаш ёки тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тақдим этилаётган имтиёзлардан оқилона фойдалансалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Зокир ҲАЙДАРОВ,
Бойсун туман адлия бўлимининг бош маслаҳатчиси.

СЕВИДАН СЎЗ ОЧМАНИ

**Аламдан юзларим буришганда ҳам,
Дўстман деб устимдан қулишганда ҳам,
Соёдек изимдан юришганда ҳам,
Севгидан сўз очманг менинг ёнимда.**

**Бошимга қулфатлар ёғилиб қолса,
Кўнглим азоблардан бўғилиб қолса,
Барча туйғуларим ё ўлиб қолса,
Севгидан сўз очман менинг ёнимда.**

**Сиқилганда кўнглим тортганда хира,
Афсус надоматлар қилмайман сира,
Келман муҳаббатга бўлиб асира,
Севгидан сўз очманг менинг ёнимда.**

**Покиза севгини ўйин биланлар,
Телба ошиқларни мазох қилганлар,
Севиб севилгандан ҳазар қилганлар,
Севгидан сўз очманг менинг ёнимда.**
Зулхумор ЗИЁДУЛЛОЕВА,
Термиз Давлат университети ўзбек филологияси факультети, журналистика йўналишининг 1-босқич талабаси.

Ў дурудардус сар ба сачда гузошт. Чанд сураеро аз китоби илоҳӣ қироат кард, ки мазмуну маънийи як газали Ҳофизи лисонунғайбро бозгӯй мекард. Ба ёд овард ин газалро:

Дил меравад зи дастам, соҳибдилон, Худоро, Дардо, ки рози пинҳон ҳоҳад шуд ошкоро. Киштинистагонем, эй боди шўрта, барҳез, Бошад, ки боз бинем дидори ошноро. Даҳрўза меҳри гардун, афсонаест афсун, Неҳӣ ба чои ёрон ғурбат шумор, ёро. Эй соҳиби қаромат, шукронаи саломат, Рўзе тафаккуде кун, дарवेशи бенаворо. Оёсиши ду гетӣ тафсири ин ду ҳарф аст, Бо дўстон мурувват, бо душманон мадоро. Дар кўи неқмий маро гузар надодадн, Гар ту наменписандӣ тағир кун қазоро. Ҳангоми тандастӣ дар айш кўшу мастӣ, К-ин киммӣ ҳастӣ Қорун кунад гадоро. Ҳофиз ба худ напўшид ин хирқаи майолуд, Эй шайхӣ покдоман, маъзур дор моро.

Мусанниф ҳар ду олам – дорулфано ва дорулбақоро хеле чолибу хотирмон тасвир карда. Ҳофиз ба сомеъони хеш гўшзад мекунад, ки дар ин ду олам бо душманон голмағолой хархашакардан суде надорад. Бехтар он ки дар ин дуруза меҳри гардун бо дўстон мурувват кардан, барои душманон мадоро гуфтан, барои инсонии комил ҳам қарзу ҳам фарз аст. Дар гирдобӣ ин хаёлко гўтавор буд, ки ногаҳон симои дилкаши шоир Эркин Муқим (Шоҳид) пеши назараш падида омад. Ҳар гоҳ, ки ба маркази ноҳия барои хариди каму қоти рўзгор, ё барои дидори дўстон меомад, тасодуфан бо шоир дар раху раў, ё мағоза, ё дар растаҳои бозор бо мўйсафед рў ба рў меомад, дар лаб бо дили пур аз фараху шодӣ оғўшқунон салом ба чо оварда, ўро ба як рӯи раҳ қанор мекашид. Пас аз пурсуҷўву ҳолу қор дахони қопи шеърро воз мекард. Ў шефтан газалҳои Мавлои Рум, чону дилаш Ҳофизии лисонулғайб буд. Аз девони Шамси Табрезий меогозид меҳонду меҳонд. Лаҳнаш ширин, қироаташ бурову гирову дилкаш буд. Ва дар анҷом аз газалҳои хеш қироат мекард. Пайравии ў кўркўрона набуд, шоирона буд. Шоир бетанафус меҳонд. Парвои раҳгузар надошт. Ў аз гапҳои беҳудава баҳудаи раҳгузарон парвове надошт. Агар ў ин замон чои муносиб меёфт, бешубҳа бо савту само рақсқунон газал меҳонд. Ў каме таваққуф карда гуфт: - Мулло, ман ба ҳарқас чунин шеър намеҳонам, чунки онҳо на ба қадри шеъру шоир намерасанд. Ман меҳонам, ки шумо шеърхону шеърдўст хастед, аз ин хотир ин газалҳои дурру гавҳари Мавлонову Ҳофизро бароятон қироат мекунам. Шоир як оҳи чуқуре қашида ашке ба ди-

дагонаш омад. – Бобо, намонд, дар ин музофот мисли шумо муллои шеърхону шеърдўст, – бо таассуф меғуфт шоир. Ҳама муллоҳои ин замона ба чўз хондани китоби Қуръон осори бузургонро, ки мағз андар мағзи он аз китоби илоҳӣ гирифта шу-дааст, чизи бекора меҳонанд. Агар бекора мешуд, чаро бузургони мо пас аз омўхтани чанд кутуби динӣ: “Ҳаҷор китоб”, “Бўстон” Ҳофиз, Бедил, Аҳмад Яссавий, Сўфӣ Аллаёро меҳонданд. Маснави маънавии Мавлои Рум тарҷумай Қуръон аст. На, на хато гуфтам, ин китоби Қуръонаст, ин бузургвор ба забони форсӣ навишта. Хеле, хеле олай навишта, назираш дар қаҳон нест. Шуарои мозӣ дар ҳаққи ин китоб гуфтаанд:

Маснави маънавии Мавлавӣ
Хаст Қуръоне дар забони паҳлавӣ.
Сад афсўс, замон инро намебардорад. Ғаммозон, суҳанчинон дар раху рў шеърхонии ўро дида девонааш мепиндоранд. Эркин хуб меҳонист, ки ўро девонааш меҳонанд, вале ў парвове надошт аз ин бархўрдҳо. Ҳама чун Қорун аз паи сармояғункунӣ овораанд. Ҳа, ҳеҷ бародар, ғами бародар надорад. Агар лозим ояд бародари худро ба як пули пучак мефурўшад. Мулло Худойшукр ин nobасомониҳои рўзгорро ба ёдоварда гиребон чуфт кард. Боз ба зикру тавбақардан огозид. Гоҳҳо ин амалҳои номатлубро ба ёд оварда ошўфтаву парешон меғашт мулло Худойшукр. Дилаш бо азият месўхт. Пардаи ашк пешин чашмонашро фаро гирифт, дар байни ришҳояш нопадид гаштанд. Худро пас аз риққатҳои хузанғез базўр ба даст гирифт. Дирўз кесе хабар овард, ки пагоҳ рўзи чили шоир. Ба ин маърақа ҳатман рафта, ба қарибону наздиқони ў ҳамдардии хешро барён бояд кунад. Пас аз нахориӣ субҳона зуд ба роҳ баромад. То деҳаи Пасурҳӣ ба се қироқаш савор мешуд.

Дар маъракаи сўғи шоир одамони бисёре ширкат доштанд. Асосан мағзи сўҳбатӣ ҳамагон дар мавзўи маргу зиндагӣ буд. Аз ахли даврона муллое буд, ки бо Мулло Худойшукр шиноси дерина буд ва ба ҷониби ў дурудароз нигоҳе барқанда афзуд:

-Мулло, шумо бо шоир афродари чонӣ будед, дар ҳаққи майит оё чизе намеғўед?

Мулло Худойшукр дар ҷойи худ каме чунбида гуфт:

-Вақте ки ба сари кас марг ояд, ҳеҷ кас аз ин банд раҳои нахоҳад ёфт. Хоху нохоҳ ў нашьаи маргро меҷашад. Шоир марди доғишманд буд. Аз илмҳои дунявӣ ва динӣ боҳабар. Шеърҳои тасаввуфӣ менавсит, хеле қозибу равон. Бо иҷозаи шумо аз

хаёти Бобораҳим Машраб як қиссаро бароятон нақл мекунам. Ин қисса қиссаи пандомез аст ва ба ҳамин сўҳбатоман хеле бамаврид меҷаспад.

Бобораҳим Машраб авлиёи замони худ буд, вале онро ба ҳеҷ кас ошкор намекард. Ба шоир маълум мешавад, ки дар музофоти Тошқанд бо номи Ҳоча Нуриддин авлиёи зиндагӣ мекардаст. Ин марди шариф саҳоватпешагирӣ ихтиёр карда, ҳафт бор ба тавофи Каъба меравад. Ҳар боре, ки ба сафар омода мешуд, тамоми сармояи хешро ба ҳаққу ҳамсоғоянҳон, беававу бечораҳошон тақсим карда, як каф дуои онҳоро гирифта ба ҷониби Маккатуллоҳ равон мешудааст.

Бо тақозои айём ин марди саҳоватпеша сахт бемор мешавад. Дар лаҳзаҳои сакарот монда беҳушу беёд меҳобад. Ин қору ҳол ба гўши Машраб мерасад. Машраб меғўяд, ки ман Ҳўча Нуриддинро аз ҷанги шайтони лаин раҳо мекунам. Ҳамагон шабу рўз Машраб ба сари болини ин бемор меояд ва ҷанги шайтони лаини ӯро ба қарор меорад. Ҳўча Нуриддинро раҳо мекунад. Ҳўча Нуриддин пас аз ин қаромати Машраб ба забони ҳол омада бо қарибон ва дўстони хеш васиятҳо мекунад. Рўзи дигар Ҳўча Нуриддин ба қавори Ҳаҷ ҷони хешро таслим мекунад.

Дар қанозаи ин марди нақў чунон одамони зиёд таширф меоранд, ки ҳатто барои поймондан, роҳгаштан имкон намеёбад. Машраб, ки дар қатори дигарон дар ин қаноза мишгирор мекард, пешпеши давра ҳамин газали шўрангези хешро баланд-баланд хонда мерафт.

**Ба кунҷи офият биншин,
Бихўр ноне ба осонӣ.
Агар ту пири Каньонӣ,
Ба вақти марг дармонӣ.
Агар ту симу зар дорӣ,
В-агар заррин камар дорӣ,
Агар сесад хунар дорӣ,
Ба вақти марг дармонӣ.
Агар дар Чин ҳоконӣ,
Ва ё дар Рум Сулаймонӣ
Ба вақти марг дармонӣ.
Агар ту Машраб шохӣ,
Ки дарवेशи намеҳохӣ.
Бикаш дар ҳар нафас оҳе,
Ба вақти марг дармонӣ.**

Пас аз гўрў ҷўби майит, ҳама Машрабро ҷўё мешаванд, вале ўро ҳеҷ кас пайдо намекунад.

Нихоят Мулло Худойшукр ба ахли давра меғўяд. – Ҳамаи мо ба қавли Машраб аз ин марги беамамон эмин нахоҳем шуд, – гўён чанд сураеро

ЁЗДА ОЧИҚ СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЧЎМИЛИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ ...

Ёз мавсумининг кириб келиши билан кўпчилик жазирамадан қочиш мақсадида чўмилиш учун очиқ сув ҳавзаларига талпинади.

Сув ва сузишнинг организм учун фойдали жиҳатлари кўп албатта, аммо очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш чоғида турли касалликларни юктириб олиш хавфи мавжуд. Чўмилиш ҳавзаларидаги ифлосланган сувлардан ичак таёқчаси ва энтеро вируслар, ўткир вирусли ичак инфекциялари, гепатит А, Е, ичбурук, ичтерлама, ямбўлёз, салмонелёз каби касалликларни тарқатувчилари мавжуд. Бундай вирус ва бактериялар сувга инсоннинг ювилмаган қўллари, қусуқ моддалари, қуш ёки ҳайвонларнинг ахлатлари, ҳашаротларнинг личикалари орқали тушади. 25-45 даража иссиқлик эса вирус ва бактерияларнинг кўпайиши ҳамда узоқ яшаши учун оптимал ҳарорат ҳисобланади. Шу боис ёз фаслида касаллик кўзгатувиҷилари сувда бир неча кундан бир неча ойгача сақланиши мумкин.

Ҳасталик белгилари таҳминан 12-48 соат оралиғида ҳолсизлик, кўнғил айнаиши, қўсиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, ич кетиши, қорин дам бўлиши каби аломатлар билан намоён бўлади. Очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш вақтида турли замбуруғли инфекциялар туфайли дерматит ёки бошқа турдаги тери касалликларини ҳам юктириб олиш мумкин. Ифлосланган сувдаги бактерия ва вирусларнинг кўз шиллиқ қаватига тушиши эса конъюнктивит ёки кератитга олиб келади. Сув ҳавзаларида шу каби касалликларни юктириб олишдан сақланиш учун эса бир қанча қатъий қоидаларга амал қилиш керак бўлади.

Аввало, чўмилиш таққилланган, текширилмаган, ифлосланган ва нотаниш сув ҳавзаларида чўмилмаслик лозим. Рухсат этилган жойларда чўмилиш жараёнида ҳам сувнинг кўз, бурун ва оғизга тушишидан сақланишга ҳаракат қилиш керак. Агар танада

очиқ яралар мавжуд бўлса, очиқ сув ҳавзаларида чўмилишдан тийилган маъқул. Чўмилишдан олдин ва кейин совун билан яхшилаб ювиниш ва кийимларни алмаштириш лозим. Бундан ташқари, очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш учун атмосфера ҳавоси +20, +25 даража, сув илиқлиги эса +17, +19 даражадан кам бўлмаган шароит зарур.

Қуёш фаол бўлган давада кундузги соат 12 дан 16 гача офтоб тигидан сақланиш лозим, чунки ультрабинафша нурларининг давомий таъсири катарактага ва кейинчалик кўз нурининг бутунлай йўқолишига сабаб бўлади. Қучили ультрабинафша нурлари туфайли аллергия реакциялар, жумладан, тери саратони юзага келиши хавфи мавжуд. Таъқидлаш жоизки, сунъий сузиш ҳавзалари ҳам турли инфекцияларни юктириб олиш хавфидан холи эмас, шу сабабли уларнинг тозалиғига, сувининг ўз вақтида алмаштирилганлиғига ишонч ҳосил қилиш лозим. Мабодо сизда очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш жараёнидан сўнг касаллик аломатлари кузатилса дарҳол шифокорга муурожаат қилишни унутманг.

Шу ўринда яна бир муҳим эътибор қилиш лозим бўлган нарсасга тўхталиб ўтмоқчимиз. Кейинги йилларда экологик вазиятнинг тобора ёмонлашаётгани, айниқса, аҳоли орасида экологик маданиятнинг пасайиши оқибатида очиқ сув ҳавзаларига турли майишӣ қичқиндиларни тўқиш натиҷасида сувларнинг ифлосланиши ҳам бир неча баробарга ошиб кетяпти. Бу эса сизнинг тўғри келган сув ҳавзаларида чўмилишинингизни янада хатарли қилиши муқаррар.

Ҳолиқ РЎЗИЕВ,
Санжар ҚҮРБОНОВ,
Бойсун туман СЭО ва ЖССБ санитария-гигиена бўлими мутахассислари.

Дар чомеаи имрўза нақши занон дар рушди иқтисодӣ ва иҷтимоӣ хеле муҳим аст.

Бо меҳнати ҳалол, ташаббускорӣ ва масъулиятшиносӣ онҳо дар пешрафти ҳаёт саҳми арзанда меғузоранд. Яке аз чунин занони фаёл ва намунавӣ Саодат Ҷўраева мебошад.

Саодат апа аз синни ҷиҳил гузашта, модари меҳрибони ду писар ва як духтар мебошад. Ў дар баробари тарбияи фарзандон ва нигоҳубини оила, дар рушди фаёлияти соҳиб-

корӣ низ муваффақ гардидааст.

Меҳнатдўстӣ иродаи қавӣ ва муҳаббат ба касб сабаб шудааст, ки ў имрўз ҳамчун яке аз занони пешқадами маҳалла шинохта шавад. Ў чор сол боз дар соҳаи дўзандагӣ фаолият намуна дар ин муддат ба дастовардҳои назаррас ноил гардидааст. Маҳорати баланд завқи зебопарастӣ ва масъулияти баланд нисбат ба қор боис шудааст, ки миҷозони зиёд пайдо намояда ва дар байни аҳолии ҳамчун дўзандаи моҳир маъруф гардад. Яке аз муҳимтарин самтҳои фаолияти Саодат апа омўзонидани хунар ва қавонон

ХУНАР ВА МЕҲНАТ - ОМИЛИ МУВАФФАҚИЯТ

мебошад. Ў ҳар сол даҳҳо духтарону занони қавонро ба омўзиши дўзандагӣ қалб намуна, ба онҳо нозуқиҳои касбро меомўзонанд. Шогирдони ў имрўз дар қойҳои гуногун фаёлият дошта бо меҳнати худ, барои бешбудии зиндагии оилаҳояшон саҳм меғузоранд.

Саодат апа ба ин назар аст, ки ҳар як духтар соҳиби касбу хунар бошад. Аз ҳамин сабаб вай тамоми дониш ва таҷрибаҳои худро бо шогирдон омўзондида, онҳоро ба меҳ-

натдўстӣ, сабру таҳаммул ва мустақилият тарбия менамояд. Ин хислатҳои барои қавонон дар ҳаёти оянда бисёр муҳим мебошад. Самараи меҳнати чандинсолаи ў борҳо қадрдонӣ гардидааст.

Саодат апа қолиби як қатор озмунҳои ноҳиявӣ буда, барои маҳорати касби ва фаолияти ҷамъиятӣ худ соҳиби эътироф шудааст. Ин дастовардҳои натиҷаи меҳнати пайваста ва садоқат ба касби дўстдоштаи мебошад. Ғайр

аз фаёлияти соҳибқорӣ Саодат апа дар ҳаёти ҷамъияти маҳалла низ фаёлона иштирок мекунад. Ў дар қорабиниҳои фарҳангӣ маърифати ва ҷамъиятӣ саҳми фаёл дошта, барои дастгирӣ занону духтарон қўшиш менамояд. Ҳамдеҳагонаш ўро ҳамчун инсонии қушодадил, меҳрубон масъулиятшунос эҳтиром мекунад.

Имрўз Саодат Ҷўраева на танҳо ҳамчун дўзандаи моҳир, балки ҳамчун омўзгори фидокор ва соҳибқори муваффақ шинохта мешавад. Ҳаёт ва фаёлияти ў намунаи ибрат барон қавонон буда, нишон медиҳад, ки ин-

сон бо меҳнати ҳалол ва муҳаббат ба касб метавонад ба дастовардҳои бузург ноил гардад. Бешубҳа чунин занони меҳнаткаш ва фаёл сарвати бебаҳои чомеа мебошад. Фаёлияти Саодат апа дар рушди хунарамандӣ, таъмини шугли занон ва тарбияи насли қавон саҳми арзанда дошта, сазовори эҳтиром ва таҳсини ҳамагон мебошад.

Зулхумор ЗИЁДУЛЛОЕВА,
донишҷӯи факултети филологияи Донишгоҳи давлатии шаҳри Тирмиз, гурӯҳи рўзноманигорӣ.

Давом дорад

Сув ҳаёт манбаи бўлиб, инсонлар, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси учун бебаҳо табиий ресурс ҳисобланади.

Бироқ саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги ва маиший фаолият натижасида ҳосил бўладиган оқова сувлар атроф-муҳитга жиддий зарар етказиши. Тозаланмаган ёки етарли даражада қайта ишланмаган оқова сувларнинг дарё, кўл ва ерости сувларига ташланиши экологик мувозанатнинг жиддий бузилишига ҳамда инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Оқова сувлар таркибида турли кимёвий моддалар, жумладан, оғир металллар, нефть маҳсулотлари, турли хил зарарли микроорганизмлар ва бошқа ҳаёт учун хавфли бўлган бирикмалар мавжуд бўлиши мумкин. Улар сув ҳавзаларига тушганда унинг табиий таркибини ўзгартиради ва ифлосланишига олиб келади. Бунинг оқибатида, биринчидан, сувда кислород миқдори камаюви, натижада баллиқлар ва бошқа сув жонзотларининг яшаши қийинлашади, айрим ҳолларда эса оммавий nobud бўлиш кузатилади. Иккинчидан, оқова сувлар таркибида азот ва фосфор моддаларининг кўплиги сув ўтлари ва алгаларнинг ҳаддан ташқари кўпайишига сабаб бўлади. Бу жараён сув ҳавзаларининг “гуллаши” деб аталади ва экологик тизимга катта зарар еткази-

ОҚОВА СУВНИНГ ТАБИАТ ВА ИНСОНГА ТАЪСИРИ

ди. Шунингдек, ифлосланган сув тупроқ сифатининг ёмонлашуви-га ҳам олиб келади. Зарарли моддалар тупроқда тўпланиб, ўсимликларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади ва қишлоқ хўжа-

моддалар инсон организмда тўпланиб, асаб, юрак-қон томир тизими ва бошқа аъзолар фаолиятини издан чиқишига олиб келади. Оқова сувларнинг кўпайиши пировард натижада катта иқтисодий за-

лаш, қайта ишлаш, саноат корхоналарида экологик стандартларга қатъий риоя қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш каби амалий ишлар аста секин ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда туманимизда ҳам саноат ривожланаётгани, кўп қаватли уй-жойлар барпо этилаётгани, аҳоли хонадонларида замонавий ҳаммомлар, ҳожатхоналардан фойдаланиш оммалашаётгани ортидан оқова сувлар билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлмоқда. Айниқса, аҳоли хонадонларидан чиққан оқова сувларни тўғри келган жойга оқизиб қўйиш ҳолатлари аҳоли саломатлиги учун жиддий ташвиш келтириши мумкин. Ваҳоланки, қонунчиликда шу каби ҳолатлар билан экологик барқарорликка зарар етказиш оқибатлари учун ҳам тегишли жавобгарлик мавжудлигини унутмаслик лозим.

Н.ТОҒАЙМУРОДОВ,
Экополициянинг туман бўлими етакчи мутахассиси.
У.БОЙМАТОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси Бойсун туман ташкилоти раиси.

лари фақат моддият, обрў учун бир-бири билан мусобақалашадиган совуқ муҳитга айланишидан қўрқаман. Негаки, айнан мана шу сафарим давомида бизнинг меҳр-оқибатимиз, қадимий маданиятимиз ва беғубор самимиятимиз ҳар қандай пулдан, ҳар қандай иқтисодий бойликдан устун эканлигини бутун вуҷудим билан англадим.

Уша Бойсунда ўтган биргина кун менга мана шу хулосани чиқаришим, ҳаёт ҳақида қайта ўйлашим учун етарли бўлди. Қалбимга ҳақиқий гўзаллиқни ва одамларга бўлган ишонч қайтарган ўша бир кун учун аввало Яратганга шукр қиламан ва у ердаги бағрикенг инсонларга чин дилдан раҳмат айтаман. Бу шахарчадан узок вақт излаган, аммо шахарларда тополмаган руҳий хотиржамлик ва тоза дунёни топдим. Мен бу сатрларни шунчаки туғилиб ўсган шахримни макташ ёки кўкка кўтариш учун ёзмадим. Мен қалбимда уйғонган ҳақиқий ҳайратни, йўқолиб бораётган самимиятнинг тирик пойдеворини кўрганимдаги қувончимни оқ қорғозга муҳрладим, холос...

Севара БАКИРОВА,

Термиз Давлат университети ўзбек филологияси факультети, журналистика таълим йўналиши 1-босқич талабаси.

**Ёз йилнинг энг иссиқ, се-
рқуёш ва файзли фасла-
ридан бири. Бу фасл таби-
ятнинг яшнаши, мева-саб-
завотларнинг мўл-кўллиги
ҳамда инсонлар учун қулай
дам олиш, соғлом турмуш
тарзини мустаҳкамлаш им-
кониятлари билан ҳам аж-
ралиб туради.**

Айниқса, ёз инсон органи-
змин чиниқтириш учун энг қулай
давр ҳисобланади.

Ёз фасли қуёшнинг иссиқ

ЧИНИҚИШ ВА САЛОМАТЛИК ФАСЛИ



нури, тоза ҳаво ва сув инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Эрталабки сайрлар, жисмоний машқлар, сузиш, тоғ ва табиат қўйида дам олиш инсон аъзоларининг чиниқишига ёрдам беради. Қуёш нурларидан меъёрда фойдаланиш эса инсон учун энг зарур бўлган Д витамини ҳосил бўлишини таъминлайди, бу эса суякларнинг мустаҳкам бўлиши, бош мия ва асаб тизимларининг маромида ишлашига ёрдам беради. Чиниқиш инсоннинг турли об-ҳаво шароитларига мослашувчанлигини оширади. Ёзда, мунтазам равишда очиқ ҳавода бўлиш, спорт билан шуғулланиш ва фаол ҳаракат қилиш иммунитетни кучайтиради, натижада организм шомоллаш ва бошқа юқумли касалликларга қарши чидамлироқ бўлади.

Ёз фаслининг яна бир афзаллиги – бу даврда анги узилган мева ва сабзавотларнинг се-
роблигидир. Улар витамин ва минералларга бой бўлиб, инсон саломатлигини мустаҳкамлайди. Тарвуз, қовун, шафтоли, олма, ўрик, узум каби ҳўл ме-
валар эса организмни фойда-
ли моддалар билан таъминлай-
ди ва ёзги иссиқ кунларда те-

тиклик бағишлайди. Шунингдек, ёз фасли инсонларга руҳий ҳордиқ чиқариш имконини ҳам беради. Табиат қўйида дам олиш, саёҳатлар уюштириш, ақинлар даврасида вақт ўтказиш кайфиятни кўтаради ва руҳий ҳолатга ижобий таъсир кўрсатади.

Мутахассислар, ёз фаслида, айниқса, болаларни табиат қўйида чиниқтиришни маслаҳат беришади. Саратонда чўмилиб, офтоб нурида меъёрида қуйиш,

тоғ ҳавосидан нафас олиш бо-
лалар учун қони фойда. Агар
ота-оналар фарзандлари ҳар то-
монлама соғлом, руҳан тетик
бўлишларини истасалар, албат-
та, ёз ойларида уларни кўпроқ
табиат қўйида бўлишларини
таъминлашлари керак.

Тиб оламининг султони Ибн
Синонинг табиат Аллоҳдан ин-
сон учун берилган энг улкан
неъмат ва бу неъмат ичида
бўлиш, табиатни севиш, ҳар бир
фаслнинг ўзига хос хусусиятла-
ридан меъёрда фойдаланиш ин-
сон саломатлиги учун бетакрор
манба деган фикрлари бугун ҳам
ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.
Хўш, сиз-чи, сиз ва оилангиз
аъзолари кириб келган ёз фас-
ли имкониятларидан фойдала-
ниш ҳақида ўйлаб кўрдингизми?
Агар ўйлаб кўрмаган бўлсангиз,
ёзни беҳуда ўтказиб юбормай,
унинг неъматларидан баҳра
олишга ҳаракат қилинг. Зеро,
ёзда олган жисмоний ва руҳий
қувватингиз бутун йил давоми-
да тетик ва соғлом бўлишга хиз-
мат қилишини унутманг.

Дилдора ЖУМАЕВА,

**Термиз Давлат университети
филология ва тилларни
ўқитиш, ўзбек тили йўнали-
ши 4-босқич талабаси.**


**Йон ойининг илк кун.
Мен амалиёт ўташ мақсадида
Бойсун шахрига йўл олдим.**

Ўзим ҳам шу туман бағри-
даги сўлим қишлоқларнинг
бирида вояга етган бўлсам-да,
ўқиш, иш ва ҳаёт ташвишлари би-
лан бошқа шахарларда юриб, она
шаҳримни чинакамга айланмаган,
ҳис қилмаган эканман. Аммо ўша
кун йўлга чиқар эканман, Хўжабу-
лғон ва Даҳнаижом қишлоқлари
манзарасининг ўзиёқ мени лол қол-
дирди. Ёзинг боши бўлишига қара-
май, борлиқ ям-яшил либосда, кенг
яйловлар кўзни қувонтиради.

Албатта, Бойсуннинг табиати ва мусаффо
ҳавоси барчага машҳур. Бироқ, бу ерда бо-
шқа бир жойда топилмайдиган янада буюк-
роқ бир ҳазина – бу унинг меҳрибон ва ҳуш-
муомала одамларидир.

Тўғриси, катта шахарларда яшаб, одамлар-
нинг бир-бирига бўлган совуқ муносабатига,
балки иккиозламачилигига кўникиб қолганим
сабабми, бу ерда ҳам ўша муҳитни кутган
эдим. Аммо адашган эканман, дўконлардаги
сотувчиларнинг самимий ва ҳушмуомалали-
ги, йўловчиларнинг юзидаги ним табассум,
ҳатто тор кўчада рўпарадан келаётган маши-
нанинг бурилиб олиши учун қолган ҳайдовчи-
ларнинг ўзаро ҳурмат билан кутиб туриши...
Буларнинг барчаси менга болалигимдаги ўша

ЙЎҚОТИЛГАН МЕҲРНИНГ БОЙСУНДАГИ МАНЗИЛАРИ



**Кўнгил кечинмалари ва фалса-
фий мушоҳада**

содда, беғубор ва меҳрибон қишлоқ одамлари-
ни эслатди. Шаҳарнинг сунъий ҳаёти тошга ай-
лантираётган қалбимга ўша унутилган меҳрни
қайтариб бергандек бўлди.

Мен Термизда ўқиб юрган вақтларимда баъ-
зи одамлардан Бойсун ийрик туризм маркази-
га, замонавий шахарчага айлантириш режала-
ри борлигини эшитгандим. Ўшанда содда та-
саввур билан: “Бу жуда яхши-ку, туризм ривож-
ланса пул кўпади, шахримиз бой ва таниқли
бўлади”, дея хурсанд бўлгандим. Бугун эса буни
асло хоҳламайман. Чунки бу заминга туризм
билан бирга бошқа маданият, бошқа ментали-
тет ва эҳтиمول, ўзлиқка ёт бўлган, ҳамма нар-
сани пул билан ўлчайдиган қарашлар кириб ке-
лишини истайман. Бойсуннинг ҳам бошқа
ийрик шахарлар каби меҳрсиз, сунъий ва одам-

ҳақиқий гўзаллиқни ва одамларга бўлган ишонч
қайтарган ўша бир кун учун аввало Ярат-
ганга шукр қиламан ва у ердаги бағрикенг ин-
сонларга чин дилдан раҳмат айтаман. Бу ша-
харчадан узок вақт излаган, аммо шахарларда
тополмаган руҳий хотиржамлик ва тоза дунёни
топдим. Мен бу сатрларни шунчаки туғилиб ўсган
шаҳримни макташ ёки кўкка кўтариш учун ёзма-
дим. Мен қалбимда уйғонган ҳақиқий ҳайратни,
йўқолиб бораётган самимиятнинг тирик пойдево-
рини кўрганимдаги қувончимни оқ қорғозга муҳр-
ладим, холос...

Севара БАКИРОВА,

**Термиз Давлат университети ўзбек фило-
логияси факультети, журналистика таълим
йўналиши 1-босқич талабаси.**

**Экологик маданият – бу фа-
қат табиатни севиш эмас, балки
яшаб турган муҳитимизга нисба-
тан масъулият билан муно-
сабатда бўлишдир.**

Афсуски, бугунги кунда ат-
роф-муҳитга, ҳатто яшаб тур-
ган хонадонимиз, кўчалари-
мизнинг тоза-озода сақлашга
бўлган бефарқлик жамияти-
миздаги энг оғирли муаммо-
лардан бирига айланмоқда.
Агар эътибор қилган бўлсан-
гиз, айрим инсонлар ўз яшаш
ҳудудларининг тозаллигига
эътибор бермай, турли хил
маиший чиқиндиларни белги-
ланмаган жойларга, йўл-кўча
ёқалари, ариқларга ташлаб ке-
тишни одатий ҳол деб билмоқ-
да. Айниқса, катта кўчалар
ёқаларида яшовчи аксарият
фуқароларнинг бу борадаги



масъулиятсизлиги одамни ўйланти-
ради. Улар: “Мен ташласам-ташла-
масам барибир келиб супуради, бу-
нинг учун уларга ойлик маош тўла-
шади”, деган нотўғри тушунча би-
лан яшайди. Аслида эса кўча-қўй,
атроф-муҳитни тозалаш фақат мах-
сус ташкилотлар ходимларининг ва-
зифаси эмас, балки ҳар бир фуқа-
ронинг инсоний бурчидир. Қолавер-
са, ўша тоифадаги кишиларнинг
фикрига кўра Ободонлаштириш ёки
“Тоза ҳудуд” каби корхоналар хо-
димларининг асосий вазифаси сизу
бизнинг хонадонимиз атрофини

эмас, балки жамоат жойлари, кўп
қаватли уйлар атрофлари, шахар
кўчалари ва хиёбонлари, умумий
ҳудудларни тозалашдан иборат.
Сиз даъво қилаётган маошни
улар худди мана шу хизматлар
учун оладилар. Дунёнинг ҳеч бир
мамлакатиде фуқароларнинг
шахсий уй-жойи, ҳовли-хонадон-
ларини тозалаш учун махсус таш-
килотлар ходимларига маош бе-
рилмайди. Хусусан, чиқиндини
белгиланган жойда тўкмаслик,
атроф-муҳитни ифлослантириш,
жамоат жойлари тозаллиги учун

жавобгар ташкилотлар ходимла-
рининг меҳнатини қадрламаслик
учун биздан бошқа давлатларда
жуда жиддий жавобгарликлар
белгиланганки, биз буни ҳатто та-
саввур ҳам қилолмаймиз.

Адолат ва инсоф доирасида
айтганда, кимлардир хонадони
атрофини “тозаламагани” учун
иддао қилаётган махсус корхо-
налар ходимлари – тозаллик по-
сбонларининг маошлари биз
ўйлаганчалик ҳавас қиладиган
даражада эмас. Арзимаган иш
ҳақиқа қаноат қилувчи бу фидойи



“Бойсун” газетаси таҳририяти ижодий жамоаси таниқли адаб Олим Тошбоевга волидаи мухтарамалари
Иқбол момо
нинг вафоти туфайли чуқур ҳамдардлик билдиради ва марҳуманинг барча яқинларига сабри жаъмил тилайди.

BOYSUN

MUASSISLAR:

Xalq deputatlari Boysun tuman Kengashi va tuman hokimligi

BOSH MUHARRIR
Davron OROPOV

NAVBAATCHI:
Azamat G'AFFOROV.

Internet materiallaridan foydalaniladi.

Gazeta 2012-yil 2-fevral viloyat Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-043-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 64622
Bahosi kelishilgan narxda.

ISSN 2181-7073

Hajmi - 2 bosma taboq.
Bichimi A-2
Chop etishga topshirish vaqti - 17⁰⁰
Topshirildi - 16⁰⁰
Adadi : 1400
Buyurtma №

Gazeta sifatiga bosmaxona mas'ul

- tijorat materiali.

Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan tarq qilishi mumkin.
Qo'lyozmalar egasiga qaytarilmaydi, yozma javob berilmaydi.
“BOYSUN” gazetasidan materiallarni ko'chirib bosish muharririyat roziligi bilan amalga oshirilishi lozim.

Gazeta oyiga ikki marta o'zbek va tojik tillarida chop etiladi.

TAHRIRIYAT MANZILI:

190401, Boysun, Zartepa ko'chasi, 37-uy.
Telefonlar: 76-33-51-368, 99-733-06-59
e-mail: boysun@umail.uz

Gazeta «Boysun» tahririyati kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta “Surxon tongi” va “Zarya Surxana” gazetalarini bosmaxonasi chiqariladi. Manzil: Termiz shahri Shukrona ko'chasi 19-A uy.